



ON THE STRATEGIC DIRECTIONS OF MODERN INDIAN FOREIGN POLICY

Khilola Islamovna Mustapova

senior lecturer, Ph.D

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: bipolar system, global free economic model, regional projects, principle of multipolarity, leadership role in the region, official concept of foreign policy

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: In this article, the directions of the foreign policy of India, one of the major countries of South Asia, the state's foreign policy in the context of the transformation of modern international relations, its negotiations with the People's Republic of China on the expansion of trade and investment and border issues, the issues of accelerating relations with the countries of East Asia, the issues of giving a new impetus to the development of traditional relations with the countries of the Middle East, maintaining close strategic and economic relations with the US while taking an independent position in India's foreign policy on regional and global issues, and supporting the principle of multipolarity in the world's political and economic system were analyzed.

ЗАМОНАВИЙ ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА

Хилола Исламовна Мустапова

катта ўқитувчи, PhD

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: биполяр (икки қутбли) тизим, бутунжаҳон эркин иқтисодий модели, минтақавий лойиҳалар, кўп қутблилик принципи, минтақадаги етакчилик роли, ташқи сиёсатининг расмий концепцияси

Аннотация: Ушбу мақолада Жанубий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири Ҳиндистон ташқи сиёсати йўналишлари, замонавий халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида ташқи сиёсати хусусиятлари, унинг Хитой Халқ Республикаси билан савдо ва инвестицияни кенгайтириш ҳамда чегара олди масалалари

бўйича музокаралари, Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни жадаллаштириш масалалари, Яқин Шарқ давлатлари билан анъанавий алоқаларни ривожлантиришга янги туртки бериш, минтақавий ва глобал масалалар борасида Ҳиндистон ташқи сиёсатида мустақил позиция эгаллаган ҳолда АҚШ билан яқин стратегик ва иқтисодий алоқаларни сақлаб туриш, жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий тизимида кўп қутблилик принципини қўллаб-қувватлаш масалалари таҳлил этилган.

О СТРАТЕГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЯХ СОВРЕМЕННОЙ ИНДИЙСКОЙ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ

Хилола Исламовна Мустапова

старший преподаватель, PhD

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: биполярная система, глобальная свободная экономическая модель, региональные проекты, принцип многополярности, лидерская роль в регионе, официальная концепция внешней политики.

Аннотация: В данной статье рассматриваются направления внешней политики Индии, одной из крупнейших стран Южной Азии, внешняя политика государства в контексте трансформации современных международных отношений, ее переговоры с Китайской Народной Республикой о расширении. торгово-инвестиционных и пограничных вопросов, вопросы ускорения отношений со странами Восточной Азии, рассмотрены вопросы придания нового импульса развитию традиционных отношений со странами Ближнего Востока, поддержания тесных стратегических и экономических связей с США при занятии независимой позиции во внешней политике Индии по региональным и глобальным вопросам, поддержке принципа проанализированы многополярность мировой политической и экономической системы.

КИРИШ

Ҳиндистон ташқи сиёсатининг стратегик мақсади бўлмиш глобал миқёсдаги давлатга айланиш ғояси мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида белгилаб олинган эди. Ҳозирги кунда коллектив хавфсизлик ва кўп қутблилик принципларига амал

килаётган Деҳли дунёнинг деярли барча давлатлари билан дўстона алоқалар ўрнатиб, ўзининг кўп векторли ташқи сиёсатини жадаллаштирмоқда.

Ҳиндистоннинг ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш модели мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан буён деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Бевосита қарор қабул қилиш жараёнида 3–5 киши, жумладан вазирлар (аввало, ташқи ишлар ва муҳофаа вазирлари) ҳамда бош маслаҳатчилар иштирок этади. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг йўналишини белгилашда бош вазир асосий ўрин тутди.

Халқаро муносабатларда биполяр (икки қутбли) тизим барҳам топганидан сўнг Ҳиндистонда жадал иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Шу сабабдан ҳукумат 1991 йилдан бошлаб мамлакатнинг дунёдаги ўрни ва аҳамияти борасида жиддий муҳокамалар, таҳлиллар олиб бора бошлади. Мамлакатнинг илм-фан, технологиялар борасидаги халқаро нуфузини ошириш, дунё сиёсатида муҳим ўринга эга бўлиш мақсадларини кўзлаган ҳолда ташқи сиёсий назариялар жиддий кўриб чиқила бошланди[1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақола тайёрлаш жараёнида мавзуга доир инглиз, ҳинд ва рус олимларининг илмий ишларига мурожаат қилинди ва тарихийлик, қиёсий таҳлил, даврлаштириш, тизимлаштириш бошқа илмий усуллардан фойдаланилган.

Ҳиндистонлик таниқли иқтисодчи С.Рао: «Ҳиндистон иқтисодиётини хорижий инвестицияларсиз, йирик хорижий сармояларсиз жиддий ислоҳ қилиб бўлмайди»[2], деган ғояни илгари сурганди. 1991 йилда ҳокимият тепасига келган Н.Рао бошчилигидаги Ҳиндистон миллий конгресси ҳукумати икки муаммога дуч келди: биринчиси — бошқа мамлакатлар билан янги ташқи сиёсий ўзаро алоқа моделини топиш, иккинчиси — Ҳиндистоннинг бутунжаҳон эркин иқтисодий моделига қўшилишида ёрдам берадиган ислохотларни ўтказиш зарурати эди. Одатда ижтимоий жиҳатдан муҳим соҳалар ва иқтисодий ривожланиш воситаларини танлашга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладиган ҳинд раҳбарияти давлат томонидан тартибга солишнинг ҳиндча анъаналарини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишни тезлаштиришга йўналтирилган ислохотларнинг “ўртача йўли”ни танлади. Н.Рао раҳбарлигида икки қутбли даврдан кейинги Ҳиндистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларига асос солиниб, аввало, АСЕАН (Look East Policy), шарқда Япония ва Жанубий Корея билан муносабатларни ривожлантириш, ҳинд иқтисодиётига “Осиё йўлбарслари” ҳамда иқтисодий жиҳатдан қудратли бошқа давлатларнинг инвестиция ва технологияларини жалб қилиш бошланди[3].

Ҳиндистонда М.Сингх ҳукуматининг ташқи сиёсат борасидаги ёндашувлари аввалги ҳукуматнинг асосий йўналишларидан кескин фарқ қилмаса-да, айрим ўзига хос жиҳатлари ҳам бор эди. Улар Бирлашган Илғор Альянс томонидан қабул қилинган «Қўшма минимум дастур»да[4] ўз ифодасини топган ва қуйидагиларга йўналтирилган эди:

Жанубий Осиёдаги қўшни давлатлар билан яқин сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда Минтақавий ҳамкорлик бўйича Жанубий Осиё уюшмаси (South Asian Association for Regional Cooperation — SAARC) мустақамлашга устуворлик бериш, сув ресурслари ҳамда энергетика ва экология муаммоларини бартараф этишга қаратилган минтақавий лойиҳаларга алоҳида эътибор бериш, барча масалалар бўйича Покистон билан мулоқотни тизимли ва узлуксиз асосда давом эттириш, Шри-Ланкада диний ва миллий озчилик ўртасида олиб борилаётган ҳудудий яхлитлик ва бирдамликни таъминлашга қаратилган тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаш, Хитой Халқ Республикаси билан савдо ва инвестицияни кенгайтириш ҳамда чегара олди масалалари бўйича музокараларни давом эттириш, Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни жадаллаштириш, Яқин Шарқ давлатлари билан анъанавий алоқаларни ривожлантиришга янги туртки бериш, минтақавий ва глобал масалалар борасида Ҳиндистон ташқи сиёсатида мустақил позиция эгаллаган ҳолда АҚШ билан яқин стратегик ва иқтисодий алоқаларни сақлаб туриш, жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий тизимида кўп қутблилик принципини қўллаб-қувватлаш[5].

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда Ҳиндистон бошқа ривожланаётган давлатлардан илгарилаб бораётганига қарамай, уларнинг ҳеч бирида бундай «анъанавий» муаммолар йўқ. Уларнинг энг муҳимлари мамлакатдаги ўнлаб кўп сонли халқларнинг айрмачилик кайфиятлари ва бу билан боғлиқ бўлган тил масаласи, кам сонли халқлар ва қабиалар ўртасидаги келишмовчиликлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва бошқа шу каби муаммолардир[6].

Ҳиндистон раҳбарияти мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва мамлакатнинг ички имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатларни жадал тарзда олиб борди. 2003 йилда Ҳиндистоннинг ўша даврдаги Президенти Абдул Қалам давлат мустақиллигининг 56 йиллигига бағишланган нутқида 2020 йилгача мўлжалланган тараққиёт дастурини эълон қилди. Унда қуйидаги бешта аниқ вазифа қўйилган эди: 1) денгиз йўллари орқали алоқаларни кенгайтириш; 2) минтақанинг энергия салоҳиятидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш; 3) қишлоқларда шаҳар шароитини яратиш; 4) ахборот технологиялари соҳасини янада ривожлантириш; 5) халқаро туризмни кенг жорий этиш.

Бугун Ҳиндистон ҳукумати мамлакат олдида турган ташқи сиёсий вазифаларнинг муҳимлигини чуқур ҳис қилмоқда, ҳозирги халқаро вазият уларнинг бажарилишини кийинлаштириши мумкинлигини ҳам инобатга олмоқда. Деҳлини Хитойнинг юксак иқтисодий салоҳияти ва улкан ҳарбий имкониятлари ташвишга солмоқда. Ҳозирда Ҳиндистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида юқори даражадаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига қарамай, бу икки давлат “асосий геосиёсий рақиблар” ҳисобланади[7]. Шунингдек, Хитой—АҚШ муносабатларида иқтисодий ва бошқа айрим масалаларда зиддиятли ҳолатлар кузатилмоқда. Деҳли билан Пекин ўртасида ҳам шу каби муаммолар бор, чунки АҚШ XXI аср бошидан буён Ҳиндистонни ўзининг глобал альянсига тортиш борасидаги ҳаракатларини тўхтатгани йўқ[8].

Россия—Ҳиндистон—Хитой (РҲХ) Осиёдаги энг йирик учта давлатнинг ҳамкорлиги бўлиб, бу учта давлат дунё куруқлик майдонининг 19% ва аҳолисининг тахминан 37% ини ташкил этади. Учала давлат ҳам ядровий кучларга эга, улардан икkitаси (Россия ва Хитой) — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари, Ҳиндистон ҳам ана шундай мақомга интилмоқда. РҲХ учбурчаги концепцияси Россиянинг собиқ бош вазири Евгений Примаков томонидан ишлаб чиқилган. Бир қарашда, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги ҳамда ўтмишда СССР билан Хитой ўртасида мавжуд бўлган кескин муносабатларни ҳисобга олсак, РҲХ жиддий бирлашмага айланиши даргумон. Бироқ “учлик”ни Пекин ва Москва ўртасидаги ўсиб бораётган ҳамкорлик ҳамда Россия билан Ҳиндистон ўртасидаги узоқ йиллик дўстлик боғлаб туради. Шу боис, маълум маънода, Россия Ҳиндистон ва Хитой билан яқин алоқалари туфайли мустаҳкам кўприк вазифасини бажармоқда[9].

Бундай уч томонлама ҳамкорликнинг афзаллиги шундаки, у Евросиёда хавфсизлик архитектураси асосларини муҳокама қилиш учун муҳим форумга айланиши мумкин, чунки ҳар учала давлат ҳам, турли даражада бўлса-да, Евросиё майдонида муҳим ўйинчилар ҳисобланади. Ҳиндистоннинг Россиядаги собиқ элчиси Ажай Малхотранинг фикрича, РҲХ айрим муаммоларга оид минтақавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва наркотик моддалар савдоси, терроризм, кибержиноятчилик ва бошқа глобал офатларга қарши минтақавий курашда ҳам самарали бўлиши мумкин.

РҲХ аъзолари ўртасидаги давомий ҳамкорлик уларга Яқин Шарқдаги барқарорликни таъминлаш сингари умумий ёндашувга эга бўлган бошқа масалаларда ҳам ҳамкорлик қилиш имконини беради. 2016 йилда РҲХ ташқи ишлар вазирларининг “Осиё—Тинч океани минтақасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш ҳамда очиқ, инклюзив, бўлинмас ва шаффоф архитектурани барпо этиш йўлида ҳамкорлик” баёноти қабул қилинганлиги ушбу форматнинг аҳамиятини белгиловчи муҳим воқеа бўлди[10]. Аввалроқ, Осиё—Тинч

океани минтақаси хавфсизлик архитектурасини барпо этиш учун Шарқий Осиё саммити доирасида саъй-ҳаракатларни амалга ошириш нияти ҳам билдирилган эди[11] .

Шунингдек, яна бир интилиш — Деҳлининг минтақадаги етакчилик ролини мустаҳкамлаш ва келажакда глобал давлатга айлантириш — устувор вазифа бўлмоқда. Бугун Ҳиндистон учун иқтисодий юқори ўсиш суръатини ва модернизация жараёнларини қўллаб-қувватлаш, шу орқали эса келажакдаги кўплаб муаммоларни, чунончи мамлакат олдида турган камбағалликни йўқ қилиш ва кўплаб иш ўринлари яратиш каби масалаларни ҳал қилиш ҳам асосий мақсадлардан бири ҳисобланади[12] .

Ҳиндистоннинг асосий партияларидан бири БЖП (Бхаратия жаната партияси)нинг энг муҳим ташаббусларидан бири — хориждан инвестицияларни жалб қилиш, инновациялар яратиш, иқтисодийнинг муҳим соҳаларида ходимларнинг кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган “Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган” (Make in India) дастури бўлди. Дастур доирасида хорижий инвесторларда маблағларни ҳинд ҳарбий-саноат мажмуаси (ХСМ), темир йўл қурилиши, коинотни тадқиқ этиш ва чакана савдога киритиш имкони пайдо бўлди. Бир қатор таҳлилларга кўра, Нарендра Моди 2014 йилги сайловолди ташвиқоти вақтида сайловчиларга тақдим этилган улкан режаларини тўлиқ амалга ошира олмаган бўлса-да, унга бўлган ишонч шу даражада юқори эдики, ҳукумат кўпчилик аҳолига унча ёқмайдиган, лекин қўрилиши шарт бўлган бир қатор иқтисодий чораларни қўллашига тўғри келди: коррупция ва терроризмни қўллаб-қувватлашга қарши қаратилган, аммо кенг аҳоли қатламларига зарар келтирган 500 ва 1000 рупийлик йирик пул купюралари муомаладан чиқарилди[13] .

Жанубий Осиё минтақаси бўйича таниқли мутахассислар ҳисобланадиган В.Я.Белокреницкий ва С.И.Лунев Ҳиндистон ҳал қилган ва ҳал қилишда давом этаётган умумий вазифаларнинг қуйидаги учта гуруҳини санаб ўтишган:

1. *Функционал манфаатлар* (ички функцияларнинг ривожланишини таъминлаш): тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришиш; иқтисодий ривожланиш; ташқи бозорларга кириш ва замонавий технологиялар жорий этилишига эришиш; дунё иқтисодий глобаллашувига Ҳиндистонни тадрижий равишда ва назорат остида йўналтириш;

2. *Коэксистенциал манфаатлар* (халқаро миқёсдаги муҳим ролини мустаҳкамлаш): мустақил ташқи сиёсат йўналишини давом эттириш; Ҳиндистоннинг дунёдаги нуфузини кўтариш ва жаҳонда буюк давлат мақомида қабул қилинишига эришиш; минтақа даражасида ривожланиш ҳаракатларини юқори босқичга кўтариш;

3. *Экзистенциал манфаатлар* (мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш): мудофаа салоҳиятини кўтариш; жаҳондаги буюк давлатлар билан можаролар келиб чиқишига йўл

қўймаслик; бир неча жабҳаларда давлатнинг глобал, минтақавий ташқи ва ички хавфсизликка эришиш ҳаракатларини кучайтириш[15].

Маълумки, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати унинг “Катта стратегия”си контекстида тақдим этилади ва унда бутун дунё уч доирага ажратилади:

Биринчи ҳалқа асосан Ҳиндистоннинг яқин қўшниларини қамраб олган бўлиб, унда Деҳли бошқа давлатлардан устунликка эришиш ҳамда вето ҳуқуқини олишга интилади;

Осиёда кенгайтирилган қўшничилик (шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари) деб номланган ва Ҳинд океани қирғоқлари бўйлаб жойлашган *иккинчи ҳалқа* доирасида у бошқа кучларнинг таъсирини мувозанатлашга ва улар мамлакат манфаатларига зид келмаслигига интилади;

Бутун дунё сахнасини акс эттирувчи *учинчи ҳалқада* Ҳиндистон халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим акторларидан бўлган буюк давлатлардан бири бўлишга ҳаракат қилмоқда[16].

Ҳозирги босқичда *Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари* қуйидагилардан иборат: халқларнинг ўз ҳуқуқини белгилаш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, халқ ва ирқларнинг батамом тенглигини таъминлаш, ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, Осиёни янги куч сифатида тан олиш, Ҳиндистонни эса геосиёсий таъсир ва куч марказига айлантириш, кам ривожланган мамлакатларни глобал миқёсда қўллаб-қувватлаш, трансҳинд денгиз йўллари устидан назорат ўрнатиш учун курашиш.

Ҳиндистон халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатар экан, биринчи галда БМТ тизимини ислоҳ қилиш, айниқса вето ҳуқуқига эга бўлиш орқали Ҳиндистоннинг Хавфсизлик Кенгаши таркибига доимий аъзо сифатида киритилишига эришишга эътибор қаратмоқда. БМТнинг тинчликпарвар операцияларда ҳинд ҳарбийларининг иштирок этиши мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. БМТ ташкил топганидан буён дунё бўйича ўтказилган 59 та тинчликпарвар операциянинг 41 тасида Ҳиндистон бевосита иштирок этган. 2003–2004 йиллар мобайнида ҳинд ҳарбийлари 16 та БМТ тинчликпарвар операциясининг 8 тасида, жумладан, Суданда, Ливанда, Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги можарода, Конго Демократик Республикаси, Кувайт, Бурунди, Косоводаги можароларни бартараф қилишда иштирок этган. 2004 йилнинг ўзида турли мамлакатлардаги тинчликпарвар операцияларда 5500 нафар ҳинд аскари ва зобити қатнашган[17]. Бу кўрсаткич 2014 йилга келиб 7860 нафарни ташкил этди[18]. 2021 йилда уларнинг сони 9000 нафарга етди. БМТ билан ҳамкорликнинг 75 йиллиги муносабати билан Ҳиндистонга ташриф буюрган БМТ раҳбари А.Гутереш бу давлат тинчликпарвар операцияларнинг энг йирик иштирокчиси

эканлигини таъкидлаб, 1948 йилдан бери 200 мингдан ортиқ ҳиндистонлик эркак ва аёл БМТнинг 49 тинчликпарвар миссияларида хизмат қилганлигини айтиб ўтди[19]. Бу эса халқаро хавфсизликни таъминлашда Ҳиндистоннинг салмоқли ҳиссаси бор деган хулоса чиқаришимизга асос бўла олади.

Ҳиндистон юқорида келтирилган стратегик мақсадларига эришиш учун ўз ташқи сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат миқёсида олиб борилаётган ҳар томонлама фаолият туфайли муайян ютуқларга эришилиб, давлатнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Айниқса унинг ички имкониятлари даражасининг аввалги йиллардагидан тез ўсаётгани мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг кучайиб кетишига туртки бўлди.

Ҳиндистон ташқи сиёсати анъаналари ҳарбий иттифоқларда иштирок қилмаслик ва можароларни тинч йўл билан ҳал этиш принципларига таянади. Ҳиндистон, бир томондан, узоқ истиқболда жаҳон миқёсида ядровий қуролдан воз кечиш ғоясини илгари сурса, бошқа томондан, «потенциал рақибини тийиб туриш» мақсадида ядро қуролига эга бўлиш фикрини билдирмоқда.

Айни вақтда, Ҳиндистон ўз имкониятлари кенгайиши билан бирга ядровий жараёнлар бўйича дунёда шаклланаётган янги тартибот мувозанатини ҳам эътиборга олиши лозим. Чунки, Осиё минтақасида Ҳиндистонга нисбатан ядровий масалалар бўйича учта давлат: шимолдан — Хитой, ғарбдан — Покистон, жанубдан эса АҚШ давлати назорат қилиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, АҚШ Жанубий Осиё минтақасида “АҚШ—Ҳиндистон—Покистон “учбурчаги”нинг етакчи бошқарувчиси бўлишга интилиб келаётгани” [20] ҳеч кимга сир эмас.

Римленд маконида рўй бераётган воқеаларга қарамай, Ҳиндистон ташқи сиёсатида бир қанча тенденцияларни кузатиш мумкин. АҚШ билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва Россия билан стратегик ҳамкорликни давом эттириш; Франция ва Германия давлатлари билан алоқаларни сезиларли даражада яқинлаштириш; ХХР билан минтақавий мулоқотни давом эттириш; Покистон билан ўртадаги кескинликни юмшатиш ва сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш; Афғонистонга берилаётган сиёсий ва иқтисодий кўмакни камайтирмаслик; халқаро муаммоларни бартараф этишда асосий ўринни БМТга бериш ҳамда истиқболда унинг самарадорлигини янада ошириш ана шулар жумласидандир.

Деҳли ўзининг ташқи сиёсатини мувозанатлаш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракати принципларига содиқлиги ва бинобарин, ўз ташқи сиёсатида ҳар қандай давлат, жумладан АҚШнинг стратегик мақсадларидан мустақиллигини доимо барчага эслатиб турибди.

Ушбу ҳолат мамлакатга бир вақтнинг ўзида Евросийнинг қудратли давлатлари (Россия, Хитой ва бошқалар) билан ҳам, Евроатлантика ҳамжамияти билан ҳам муносабатлар ўрнатишда кўпроқ сиёсий имконият тақдим этмоқда[1] .

Хусусан, Деҳли АҚШнинг чинакам стратегик ҳамкори ва иттифоқчиси бўлгани ҳолда, агар унинг манфаатларига мос келса, Москванинг ҳам сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Ҳиндистон минтақавий интеграцияни кучайтириш мақсадида Евросий иқтисодий макони ғоясини қўллаб-қувватламоқда ва келажакда ЕОИИга кириши мумкинлигини истисно қилмаяпти. Айни вақтда Ҳиндистон ўзининг БРИКСдаги иштирокини ҳам жадаллаштирмоқда ва узоқ кузатишлардан сўнг, ниҳоят, ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қўшилди[22] .

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ҳиндистон ташқи сиёсатининг расмий концепцияси мавжуд эмаслиги боис унинг ташқи сиёсати йўналишларини давлат раҳбариятининг расмий баёнотлари, чиқишлари, қўшма декларациялари орқали ўрганиш мумкинлиги аниқланди.

Ҳиндистон ўзининг халқаро майдондаги мавқеини оширишга, жаҳон миқёсидаги сиёсий жараёнларга таъсирини кучайтириш ва ўзи учун стратегик муҳим бўлган минтақалардаги иқтисодий ва сиёсий иштирокини таъминлашга интилоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лунев С.И. Внешняя политика Индии и воздействие на нее внутренних факторов // Вестник МГИМО — Университета. — 2010. — № 1. — С. 189–201.
2. К вопросу о реформировании экономики Индии // Компас. Вестник иностранной информации ИТАР-ТАСС. — 1996. — №18. (29 апр.)
3. Куприянов А. В., Макаревич Г. Г. Индия в постбиполярную эпоху: тридцатилетие поиска места в мире ИМЭМО РАН, Москва, Россия file: // /C:/Users/User/Downloads/374–890–1-SM.pdf
4. О совместной программе минимуме // Компас. Вестник иностранной информации ИТАР-ТАСС. — 2005. — №18 (23 июля).
5. О совместной программе минимуме // Компас. Вестник иностранной информации ИТАР-ТАСС. — 2005. — №18 (23 июля).
6. Основные проблемы и этапы развития независимой Индии // Политический атлас современности // URL: <http://www.hyno.ru/tom2/320.html>
7. Белокреницкий В.Я. Южная Азия: новые возможности и риски для России // Внешняя политика России 2000–2020: Научное издание в 3 томах / Отв.редактор И.С.Иванов. РСМД. — М.: Аспект Пресс, 2012. — С. 169.

8. Белокреницкий В.Я. Южная Азия: новые возможности и риски для России // Внешняя политика России 2000–2020: Научное издание в 3 томах / Отв.редактор И.С.Иванов.РСМД. — М.: Аспект Пресс, 2012. — С. 169.
9. Подходы Индии к многостороннему сотрудничеству и евразийским институтам // URL: <https://globalaffairs.ru/articles/podhody-indii-k-mnogostoronnemu-sotrudnichestvu-i-evrazijskim-institutam/30.01.2019>
10. Подходы Индии к многостороннему сотрудничеству и евразийским институтам // URL: https://globalaffairs.ru/articles/30.01.2019_podhody-indii-k-mnogostoronnemu-sotrudnichestvu-i-evrazijskim-institutam/
11. Devirupa Mitra Consultations on Asia, Illegal Drug Trade and Cyber Security: Key Takeaways from Russia-India-China Summit <https://thewire.in/diplomacy/consultations-on-asia-illegal-drug-trade-and-cyber-security-key-takeaways-from-russia-india-china-summit>
12. NonAlignment 2.0: A Foreign and Strategic Policy for India in the Twenty First Century // Center for Policy Research. P.7. Available at: // URL: <https://cprindia.org/research/reports/nonalignment-20-foreign-and-strategic-policy-india-twenty-first-century>
13. Куприянов А.В., Макаревич Г. Г. Индия в постбиполярную эпоху: тридцатилетие поиска места в мире // URL: https://www.interanalytics.org/jour/article/view/374?locale=ru_RU
14. Лунев С.И. Внешняя политика Индии и воздействие на нее внутренних факторов // Вестник МГИМО Университета. — 2010. — № 1. — С. 189–201.
16. Белокреницкий В.Я. Южная Азия: новые возможности и риски для России // Внешняя политика России 2000–2020: Научное издание в 3 томах / Отв.редактор И.С.Иванов.РСМД. Т. 1. — М.: Аспект Пресс, 2012. — С. 169.
17. «О совместной программе минимуме» // Компас. — ***№18. ИТАР-ТАСС, 23 июля 2005г.
18. Indian Army United Nations peacekeeping missions. // URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Indian_Army_United_Nations_peacekeeping_missions